

Халқ таълими бошқарув органларининг ҳамма кириши мумкин бўлган
биноларига ўрнатиладиган ахборотлар

РЎЙХАТИ

Қуйидаги маълумотлар халқ таълими бошқарув органларининг ҳамма кириши мумкин бўлган хоналар ва жойларда ахборот фойдаланувчилари танишиши учун ахборот стандалари ва шундай мақсад учун кўзланган бошқа техник воситаларни жойлаштирилиши шарт.

Ушбу рўйхатнинг биринчи қисмида кўрсатилган ахборот стандаларида ва шундай мақсад учун мўлжалланган бошқа техник воситаларда қуйидагилар бўлиши керак:

1. Халқ таълими бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати;
2. Халқ таълими бошқарув органларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумот хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари;
3. Халқ таълими бошқарув органларининг режалаштирилаётган очик ҳайъат мажлислари тўғрисидаги ахборот;
4. Ариза, таклиф ҳамда шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;
5. Халқ таълими бошқарув органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;
6. Халқ таълими бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати.